



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 26 июнь, № 124 (5544)

Сешанба

## Ҳамкорликнинг амалий натижалари

пойтахтимизда фаолият бошлаган "Elektr quvvat qurilmalari" Ўзбекистон — Хитой кўшма корхонаси мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда



### Жараён

Ўзбекистон мустақил тараққийёт даврида ўзининг муносиб иқтисодий ҳамкор эканлигини жаҳон ҳамжамияти олдида исботлай олди. Дунёнинг кўплай хорижий давлатлари билан ўрнатилган дипломатия муносабатлари тобора мустаҳкамланиб, узоқ муддатли ўзаро манфаатли лойиҳалар амалга оширилётгани бунинг тасдиғидир.

Жумладан, Хитой Халқ Республикаси билан барча йўналишлар, айниқса, савдо-иқтисодий ва сарможий соҳаларда алоқалар йил сайин ривожланиб бораёпти. Бундан икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида имзоланган ҳужжатлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаёпти.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда қўлай сарможий муҳит яратилгани, айниқса, хорижлик инвесторлар учун зарур бир қатор имтиёзлар берилётгани хитойлик ишбилармонларнинг иқтисодиётимизга бўлган қизиқишини тобора оширмоқда. Кейинги йилларда улар томонидан саноат тармоқларига йўналтирилган инвестициялар ҳажми тобора ошиб бораётгани, пировардида ўзаро ҳамкорликда кўплай йирик ишлаб чиқариш корхоналари вужудга келаётгани бунинг далилидир.

(Давоми 2-бетда).

### «Озод юрт тўлқинлари — 2012»

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида бошқа соҳалар қатори оммавий ахборот воситаларини раванқ топтириш, мазкур тизим учун юксак ижодий-интеллектуал салоҳиятли кадрлар тайёрлаш юзасидан олиб борилаётган изчил ислохотларда нодавлат нашрлар ва телерадиоканаллар фаолиятини кенгайтириш, улар учун зарур барча шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## Эътибор, маҳорат, рағбат

Бу эса ахборот майдонида ўзаро соғлом рақобат муҳитининг, жамиятимизда фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигининг кучайишига хизмат қилмоқда.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ташаббуси билан ўтказилган "Озод юрт тўлқинлари — 2012" медиафестивалининг якуний босқичида ана шулар хусусида сўз борди.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Журналистлар ижодий уюшмаси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Республика Маънавият тарғибот маркази ва бир қатор халқаро ташкилотлар ваколатхона-

лари ҳамкорлигида ўтказилган мазкур аънавий фестивал жорий йилда "Мустаҳкам оила — мустаҳкам жамият: барқарор ва фаровон Ўзбекистон!" шиори остида ташкил этилди.

Мазкур фестиваль доирасида "ОАВ фаолиятининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш — ахборот соҳасини демократлаштиришнинг муҳим шарт" мавзусида халқаро давра суҳбати, "Озод юрт тўлқинлари — 2012" медиафестивали, "Соғлом оила — соғлом жамият" телемарафони каби тадбирлар ҳам ўтказилди.

Кеча "Озод юрт тўлқинлари" медиафестивалининг турли номинациялари бўйича ҳамда "Соғлом оила — соғлом жамият" телемарафони галиблари аниқланди. Галиб ва совриндорларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси БШ вазирининг ўринбосарлари Э. Боситхонова, А. Арипов сўзга чиқди.

М. ЖОНИХОНОВ.

### Анжуман

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, уни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига кенроқ жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## Электрон ҳисобот: ҚУЛАЙ ВА АФЗАЛ

Давлат солиқ қўмитаси бу жараёнда фаол иштирок этиб, соҳа ходимларининг иш самарадорлигини ошириш, солиқ тўловчиларнинг эса вақти ва моддий ресурсларини тежашга қаратилган ахборот технологиялари махсулларини амалиётга изчил татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлат солиқ қўмитаси бу жараёнда фаол иштирок этиб, соҳа ходимларининг иш самарадорлигини ошириш, солиқ тўловчиларнинг эса вақти ва моддий ресурсларини тежашга қаратилган ахборот технологиялари махсулларини амалиётга изчил татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Иқтисодиётимизнинг мустаҳкам таянчи

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти раванқини белгиловчи, таъбир жоиз бўлса, уни дунё бозорига танитувчи восита сифатида намоён бўлмоқда. Юртимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор тўғрисида ҳақиқатан ҳам маънода, иқтисодиётимизнинг мустаҳкам таянчига айланди.

### Семинар

Жорий йилда республикаимизда 967 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш режалаштирилган бўлиб, унинг 480 мингдан зиёди айнан ишбилармонлар ҳиссасига тўғри келади.

Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига

берилаётган энгиллик ва имтиёзлар нафақат уларга эркин ишлаш учун имконият яратаяпти, балки аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётди. Жумладан, Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шаклланти-

ришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига биноан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги баргараф этиб бўлмайдиган барча зиддият ёки ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилиши белгилаб қўйилди. Бошқача айтганда, эндиликда тадбиркорлик субъектларининг давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофазга қилиш ва назорат органлари ёки тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида қандайдир тушунмовчиликлар пайдо бўлса, бу ишбилармонлар манфаатидан келиб чиқиб ҳал қилинаёпти.

Бундан ташқари, 2012 йилдан бошлаб саноат соҳасида фаолият юритаётган микрофирма ва кичик корхоналарнинг ягона солиқ ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камайтирилди. Мазкур тадбир орқали тежалан маблағларни эса тадбиркорлар истикболли лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун йўналтириши мумкин.

Маълумки, Президентимизнинг 2004 йил 7 июлдаги Фармойишига биноан, тадбиркорларга қўлай муҳит яратиш, уларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш ва ташқи бозорга чиқишига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ташкил этилган эди.

Бундан ташқари, 2012 йилдан бошлаб саноат соҳасида фаолият юритаётган микрофирма ва кичик корхоналарнинг ягона солиқ ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камайтирилди. Мазкур тадбир орқали тежалан маблағларни эса тадбиркорлар истикболли лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун йўналтириши мумкин.

(Давоми 3-бетда).

### Тадбир

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси битирувчиларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

## Бурч ва масъулият

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги, генерал-лейтенант Б. Матлюбов мамлакатимизда мустақиллигимиз ва тинчлигимизни янада мустаҳкамлаш, юрт раванқини, эл фаровонлигини юксалтиришга катта эътибор қаратилганлигини алоҳида таъкидлади.

Барча соҳаларда бўлгани каби истиклол йилларида юртимизда ички ишлар тизимида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда).

## Мамлакатимизда:

### Андижон

Марҳамат туманидаги Дарбоз маҳалласида ташкил этилган "Бунёд газ сервис" МЧЖ жамоаси бетон плиткалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

### Маҳалланинг кичик корхонаси

10 киши меҳнат қилаётган жамоа томонидан қисқа фурсатда 36 миллион сўмлик маҳсулот миқдорларга етказиб берилди.

Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида янги қувватларни ишга тушириш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳисобига 18 мингдан зиёд иш ўринлари ташкил этилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Бухоро

Вилоят марказидаги "Омад — Шоҳруҳ плюс" масъулияти чекланган жамиятида йилига 550 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга янги технологик линия ишга туширилди.

### Тежамкор технология — ишлаб чиқаришга

Бунда банк томонидан ажратилган 150 миллион сўм миқдордаги кредит қўл келди. Янги лойиҳа самараси боис корхонанинг табиий газ сарфи 4 баравар камайдди. Натижада жамият қисқа муддат ичида банкдан олинган кредитнинг учдан икки қисmini узатишга эришди.

Умуман, вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида 61 лойиҳа амалга оширилиб, 636 та иш ўрни яратилди.

И. ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Фарзандлар саломатлиги — энг катта бойлигимиз

Кеча мамлакатимизнинг барча ҳудудларида "Соғлом бола ҳафталиги" тадбирлари бошланди.

### Ҳафталик

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда ЮНИСЕФ ташкилоти ҳамкорлигидаги мазкур лойиҳа доирасида 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болаларни соғломлаштириш, хусусан, уларни А витамини ва антигельминт препаратлари билан таъминлаш кўзда тутилган. Маълумки, юртимизда 2002 йилдан буён А витамини етишмаслигининг олдини олиш бўйича махсус дастур амалга оширилмоқда. Ушбу дастур "Микронутриент етишмаслиги профилакти-

каси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги кунга қадар А витамини сапленментацияси тадбирлари 17 бор ташкил этилди. Лойиҳага мувофиқ, ҳар гал 2 миллион нафардан зиёд болалар соғломлаштириш тадбирларига қамраб олинмоқда. Бу, ўз навбатида, микронутриентлар танқислиги билан боғлиқ касаллишни ҳолатлари, шунингдек, турли туғма нуқсонлар, паст бўйлилик ҳамда болалар ўлими билан боғлиқ нохуш ҳолатларнинг тобора камайиб боришида муҳим аҳамият касб этаётди.

(Давоми 4-бетда).

### Болажонларга мазали музқаймоқлар

Китоб туманидаги "Зилол" хусусий фирмасида 127,5 минг АҚШ долларлик халқаро кредит линияси маблағлари ҳисобига сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган цех ишга туширилди.

### Қашқадарё

Эътиборлиси, корхона энди иш бошлаган бўлса-да, бу ерда кунига 500 килограммдан ортиқ

сут қайта ишланиб, шоколадли, ёғли музқаймоқлар савдо шохбачалари ва болалар оромгоҳлари-га етказиб берилмоқда. Туманда жорий йилда кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастури асосида 1165 та лойиҳани рўёбга чиқариш режалаштирилган бўлиб, ҳозир бу борадаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

А. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ЁШ ОИЛАЛАРГА ШИНАМ УЙЛАР

Республикаимиз тижорат банклари томонидан 2012 — 2013 йилларда ҳар бири 48 хонадонли 100 та уй-жой қурилиши лойиҳасини молиялаштириш учун

272 миллиард сўм маблаг ажратилиши кўзда тутилган.

Ушбу замонавий тураржойларни сотиб олиш учун ипотека кредитлари 15 йил муддатга Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошмаган фойзда, уч йиллик имтиёзли давр билан тақдим этилиши оилаларни, айниқса, ёш оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишни кучайтиришга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

БИР РАҚАМ ШАРХИ



ЖАҲОН

24 соат ичида

Истиқболли лойиҳа

Уй мебеллари ва жиҳозлари савдоси билан шуғулланувчи Швециянинг "IKEA" компанияси Хиндистонда 25 та дўкон очилишни маълум қилди.



Кўймати 1,5 миллиард еврога тенг бўлган мазкур лойиҳа яқин 15-20 йил ичида амалга оширилади.

Қарздан қутулиш учун

Италия ҳукумати ички ва ташқи қарзларни узиш учун давлатга қарашли баъзи компанияларнинг акцияларини сотишга қарор қилган.

Бу ҳақда мамлакат молия вазири Витторо Грили маълум қилди.

Биз жорий йил давомида камиди 30 миллиард евро миқдоридида активларини сотишимиз шарт, — деди у. — Шунда 2 триллион еврога яқин қарзнинг бир қисмини ёқган бўлади.

Санъат асари ўғирланди

Нью-Йоркдаги "Venus Over Manhattan" галереясида машҳур рассом Сальвадор Дали ижодига мансуб санъат асари ўғирланди.



"The New York Daily News" нашри хабар беришча, кўймати 150 минг АҚШ долларига тенг бўлган ушбу сурат ташриф буюрувчи сифатида галереяга келган одам томонидан олиб чиқиб кетилган.

1949 йилда ишланган мазкур санъат асари "Venus Over Manhattan"нинг қимматбах охирини билан бири ҳисобланарди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Иқтисодиётимизнинг мустақкам таянчи

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ушандан буён мазкур палата ўз олдига қўйган вазифаларни удалаб келмоқда. Ҳозирги кунда унинг аъзолари сони 20 мингдан ошиб кетгани, бу ерда тадбиркорларни дунё бозорига олиб чиқиш учун қўллаб-қувватлаш халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани бунинг яққол исботидир.

Агар мамлакатимизда мустақиллик йилларида тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қўллаб-қувватлаш ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинганини инобатга олсак, соҳага қанчалик эътибор берилганлиги яна бир қарра аён бўлади.

Шулардан бири Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонунидир. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида "Тадбиркорликка оид масалаларнинг ОАВда ёритилиши" мавзусида ташкил этилган семинар-тренингда шулар хусусида сўз юритилди.

Тадбирда маърузачилар юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қўллаётган чора-тадбирлар самараси ҳақида маълумот бериш баробарида, унинг ҳуқуқий асослари, шу жумладан, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳиятига тўхталдилар.

Зеро, мустақкам оила йили муносабати билан қабул қилинган мазкур Қонуннинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳамиятимиз, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустақкам таянчи сифатида юзга чиқаришдаги аҳамияти беқиёс.

Семинар давомида иштирокчиларга тегишли мутахассислар томонидан материаллар композицияси, иқтисодий мавзудаги журналистик мақолани ахборот билан бойитиш усуллари, фактларни келтириш ва баҳолаш, статистика рақамларидан самарали фойдаланиш, филрлар мувозанатига риоя қилиш ҳамда матнни маъно жиҳатдан ҳимоялаш бўйича тавсиялар берилди.

Икки кун давомида интерфаол ва амалий тарзда ўтган тадбирда журналистлар марказий босма ОАВда чоп этилган иқтисодий йўналишдаги мақолаларни таҳлил қилиш орқали ижодий малакаларини оширдилар.

Дилшод УЛҒУМУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қарор ва ижро

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли ушбу соҳа бугунги кунга келиб ривожланишнинг янги босқичига кўтарилди.

Кенг имконият, юқори самара

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган "Kolorpak" масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай юқалиш сари дадил одимлаётган корхоналардан бирidir. Турли хил матбаа маҳсулотлари, китоблар чоп этиш, картондан ранг-баранг қадоқлаш материаллари тайёрлаш, босма маҳсулотларига дизайнли хизмати кўрсатишга ихтисослаштирилган мазкур ишлаб чиқариш корхонасининг фаолият олиб бораётганига унчалик кўп вақт бўлмаганига қарамай, бугун унинг хизматидан фойдаланаётган ми-жозлар республикамизда истаган-ча топилади.

Илғор технологиялар билан жиҳозланганлиги боис бу ерда А-1 форматга бўлган барча турда ранг-баранг матбаа хизматлари кўрсатиш имконияти мавжуд.

Шунингдек, "Kolorpak" МЧЖда тажрибали, ўз ишининг устаси бўлган етук мутахассислар жамланган. Машҳур брэндларга эга бўлган ўндан ортқ турдош компаниялар билан мустақкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилгани фаолият самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, корхона жамоасига хориж компанияси мутахассислари билан ўзаро тажриба алмашиш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш имкониятини бермоқда.

Айни пайтда "Kolorpak" корхонаси томонидан республикамиз ҳудудида фаолият олиб бораётган етакчи компания ва фирмаларнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотларига юқсак дизайн асосида безатилган қадоқловчи воситалар буюртма бўйича етказиб берилмоқда.

Мижозлар учун замонавий сервис хизматининг йўлга қўйилганлиги, босма маҳсулотларни танлаш имконияти ўтган беш ойида товар ишлаб чиқариш ҳажми 1451,1 млн. сўмни ташкил этди, — дейди "Kolorpak" масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш бўйича раҳбари Нуриддин Абдурахмонов.

Ундан олинган соф фойда эса 25 миллион сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан сезиларли даражада юқоридир.

Албатта, полиграфия корхоналари ўртасида соғлом рақобат муҳити шаклланган ҳозирги шароитда бундай юқори натижага ўз-ўзидан эришганимиз йўқ. Президентимизнинг 2011 йил 30

декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарори фаолиятимиз самарадорлигини оширишда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатга биноан, полиграфия корхоналарига берилган солиқ имтиёзлари туфайли қанчадан-қанча маблагларимизни тежаб қолиш имконияти пайдо бўлди.

Масалан, қарорда белгиланган имтиёزلардан унумли фойдаланиш эвазига йил якунига қадар жами товар ишлаб чиқариш ҳажмини 3500,0 миллион сўмга етказиш, соф фойда миқдорини эса 50 миллион сўмдан ошириш кўзда тутилган.

Қисқаси, корхона жамоасининг эртанги кунга ишончи юқсак. Бу улари янгидан-янги марралар сари дадил қадам ташлашга ундамоқда.

Усмон УСМОНОВ тайёрлади.

Реклама ва эълонлар

ASAKA BANK «АСАКА» Давлат-акциядорлик тижорат банки жамоаси мамлакатимизнинг барча журналистларини, матбаачилари ва нашриёт ходимларини касб байрами билан самимий кутлайди! 2012 йил — Мустақкам оила йилида оилавий бизнес ва тадбиркорликни йўлга қўйишга киришган юртдошларимизга «Асака» банки (ОАЖ) имтиёзли кредитлар ажратади. Таклиф сиздан — сармоя биздан. «АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) барча турдаги банк хизматларини таклиф этади.

Интилиш

Юртимизда мебелсозлик саноати жадал ривожланиб, тармоқ корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли маҳсулотларга хорижда ҳам талаб тобора ортиб бораёпти.

Тадбиркорларга мададкор бўлмоқда

Албатта, ички ва ташқи бозор талабидан келиб чиқиб, рақобатбардош мебел жиҳозлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимизда юртимизда тадбиркорлик ҳаракати учун қулай муҳит яратиш берилгани, соҳага қўллаб-қувватлаш келмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчиларнинг талаби ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Корхонамизда ҳам харидорларнинг истақлари асосида янги турдаги мебел маҳсулотлари ишлаб чиқариш пайдидан бўлинмоқда.

Жорий йил бошида ана шундай лойиҳани амалга ошириш ниятида банк филиалига кредит олиш учун мурожаат қилгандик. Бу масала қисқа муддатларда кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилгани айни мундарижа бўлди. Яъни Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, имтиёзли шартларда 3 йил муддатга 550 миллион сўм кредит ажратилди.

Натижада маҳаллий хом ашё асосида қўшимча 12 турдаги сифатли, арзон ва замонавий мебел жиҳозлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Энг асосийси, 10 та иш ўрни яратилиб, шунча касб-хунар коллежи битирувчисининг бандлиги таъминланди.

Ўткиржон НИШОНОВ, «Foyzli xonadon mebeli» хусусий корхонаси раҳбари.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ЖАМФАРМАНИНГ КИЧИК ГРАНТЛАР ДАСТУРИ (www.sgp.uz) Салоҳиятни ошириш бўйича кўп мамлакатли ер ресурсларини бошқариш бўйича Марказий Осиё мамлакатлари ташаббуси (ГЭЖ/БМТТД/ГИЗ/ГМ) лойиҳаси билан биргаликда Ўзбекистоннинг тоғолди кургоқчил районларида ерлари бўлган фермерларни ҳамда барча қизиққан кишиларни юқори навли хандон пистанинг саноат плантацияларини яратиш технологиялари бўйича бир кунлик ўқув семинарида иштирок этишга таклиф қилади.

«BEMINAT SAVDO» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ 2012 йилнинг III чорагида қўйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади сариф, 1-категоргили музлатиган мол гишти. Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун хар кун соат 9.00 дан 17.00 гача қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ниёзбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй. Тел.: (8-371) 237-14-94, 237-45-15. Факс: 237-14-92.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиали қўйидагиларни маълум қилади! «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 9 июндаги 113 (5533)-сонда чоп этилган хабарнома билан «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг аукцион савдосига чиқарилган, «Уйчи парранда» МЧЖга тегишли, Уйчи тумани, «Уйчи» ҚФЙ, «Паст гузар» МФЙда жойлашган, фойдаланишдаги умумий ер майдони 6173,307 кв.м., ҳар бирининг қурилиш ости майдони 1387,26 кв.м. бўлган 24, 25, 26-сонли ўжа боқиб бино-иншоотлари аукцион савдосидан олинди. Асос: Суд департаменти Наманган вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 22 июндаги 01-3379/2-сонли алоқа хати. Мурожаат учун телефон: (8-369) 226-27-01.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК ўзида ишлаб чиқарилган қўйидаги маҳсулотларни харидорларга такдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган) СУВ ВА НЕСТЬ-ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР, диаметри 325-1620 мм., девор қалинлиги 6,0-24,0 мм., API-5L стандарти, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўмдан бошлаб. СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 000 000 сўмдан бошлаб. ГАЗ ВА НЕСТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб. Квадрат кесимдаги ПИЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100. Тўғри бурчак кесимдаги ПИЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб. КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0-3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб. ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача. МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

● Реклама ва эълонлар ●

# «МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ» УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*Барча қаламқашлар ва  
матбаачиларни*

**27 июнь** —

*Матбуот ва оммавий ахборот  
воситалари ходимлари кўни*

*Билан чин қилган мубороқбод  
этади!*

*Жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий,  
маданий ҳаётида рўй бераётган ўзгариш уйланишларни  
кенг халқ оmmasига тезкор, ҳаққоний етказишдек зоятда  
масъулиятли ва шарафли ишларингизда ижодий  
муваффақиятлар тилаймиз.*

*Олтин қаламингиз сеҳри ва қалб ҳароратингиз  
жўшқинлиги эвазига қўнға келаяётган янги асарлар,  
янги ижод намуналарингиз билан элмизни  
хурсанд этаверинг!*

## Фарзандлар саломатлиги — энг катта бойлигимиз

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, ҳар йили ҳақон миқёсида 140 миллиондан зиёд мактаб ёшига етмаган болалар ва 7 миллиондан ортиқ ҳомиладор аёллар А витамини етишмовчилигидан азият чекмоқда. Инсон иммун тизимининг энг муҳим микроэлементларидан бири бўлган А витамини танқислиги эса кўрликка олиб келиши, ўткир юқумли хасталикларга чалиниш хавфини кучайтириши мумкин.

Юртимизда аҳоли саломатлиги муҳофазасини таъминлашга қаратилган асосий йўналиш бўлиб келишда, энг муҳим бўлиб келиши, ўткир юқумли хасталикларга чалиниш хавфини кучайтириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, ҳар йили ҳақон миқёсида 140 миллиондан зиёд мактаб ёшига етмаган болалар ва 7 миллиондан ортиқ ҳомиладор аёллар А витамини етишмовчилигидан азият чекмоқда. Инсон иммун тизимининг энг муҳим микроэлементларидан бири бўлган А витамини танқислиги эса кўрликка олиб келиши, ўткир юқумли хасталикларга чалиниш хавфини кучайтириши мумкин.

Юртимизда аҳоли саломатлиги муҳофазасини таъминлашга қаратилган асосий йўналиш бўлиб келишда, энг муҳим бўлиб келиши, ўткир юқумли хасталикларга чалиниш хавфини кучайтириши мумкин.

бирларини юқори савияда ташкил этиш ҳамда ўтказишга қизғин ҳозирлик кўрилган, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Асомиддин Комилов. — Хусусан, ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда болалар учун 5,6 миллион доза миқдорда А витамини, шунингдек, 300 минг дона «Мебендзол» таблеткаси сотиб олинди. Бепул тарқатиладиган ушбу препаратлар мулақоат хавфсиз бўлиб, уларнинг сифати давлат назоратидан ўтказилган. Энг муҳими, ҳафталикда иштирок этадиган тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш бўйича ҳам қатор амалий ишлар қилиндики, соғлом турмуш тарзи тарбияси билан болаларни ҳам кенг қўллаш тadbирлар келгусида ўзининг ижобий самарасини бериши, шубҳасиз.

Муборок ОХУНОВА,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**СП «LEADING FORCE COMPANY»**  
**ЗАВОД-ИЗГОТОВИТЕЛЬ**  
**ПОЛИПРОПИЛЕНОВЫХ МЕШКОВ**  
**НОВОГО ПОКОЛЕНИЯ**

Товар сертифицирован

Тел.: (+99871) 237-10-06, 216-73-51, (+99890) 187-91-00  
E-mail: leading\_force@cron.uz, leading\_factory@cron.uz www.lfc.uz

**CLAAS**

**«Uz CLAAS Service» МЧЖ**

Германиянинг юқори унумли кишлққ хўжалик техникаларини ишлаб чиқарувчи «CLAAS» концерни Ўзбекистонда «CLAAS» кишлққ хўжалик техникаларига сервис хизмати кўрсатиш ҳамда асл (оригинал) эҳтиёт қисмлар етказиб бериш учун расмий «Uz CLAAS Service» масъулияти чекланган жамиятини ва унинг вилоят филиалларини ташкил қилди.

Сифатли сервис хизмати ва асл эҳтиёт қисмлар учун жамиятнинг бош офисига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:  
Тошкент ш., Тошкент автомобиль халқа йўли, 45-уй.  
Мўлжал — «Янгиобод бозори».  
Тел.: (8-371) 230-93-77, 230-93-74. Моб.: (8-598) 368-93-77.  
service@uzclaasservice.uz info@uzclaasservice.uz

*Сизнинг техникангиз узоқ муддат хизмат қилиши тарафдоримиз!*

**Диққат! Асл эҳтиёт қисмлар қадоғида голограмма бўлиши лозим!**

**Бунёдкорлик**

Ҳазорасп туманидаги Овшар кишлққда замонавий тиббиёт маскани фойдаланишга топширилди. Ушбу кишлққ врачлик пунктини барпо этиш учун бюджетдан салкам 500 миллион сўм ажратилди.

**Кишлоқнинг муқташам тиббиёт маскани**

Бу 21 минг нафар киши истиқомат қиладиган кишлққда тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланади, деганидир.

Айтиш жоизки, айна пайтда вилоятда 170 та ҚВП мавжуд бўлиб, йил охирига қадар уларнинг сони яна 4 тага кўпаяди.

**О. РАҲИМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?**

**Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?**

**Унда шошилиб таваккал қилманг.**

**Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совиришингиз мумкин.**

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-ишлоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефонларига кўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкнинг энг оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шакланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

**Унутманг!**

Лицензия: RR-0001.

**«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.**

**Мурожаат қилинг ва барака топинг!**

**ОБ-ҲАВО (26 июнь)**

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида +19 +24 +33 +38	Бухоро ва Навоий вилоятларида +19 +24 +33 +38	Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида +17 +22 +31 +36
Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида +19 +24 +33 +38	Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида +17 +22 +29 +34	Тошкент шаҳрида +18 +20 +30 +32

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси Молия инспекторлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Ж. Х. Абдуллаевага волидаи муҳтарамаси

Дилбар ая АБДУЛЛАЕВАНING вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси Йўл қурилиши факультети декани Абдунаим Аблақуловга акаси Абдуқоюм АБЛАҚУЛОВNING вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 90 424 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-6766

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.10 Топширилди — 23.00

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орипов.  
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.  
Навбатчи — С. Максумов.  
Мусоҳах — Ш. Машраббоев.

1 2 3 4 5